

Жаалдиқ Сўз

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

13 МАРТ, ШАНБА № 50 (555).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

Ислом **КАРИМОВ:**

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БҮЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг МДХдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбати



ПРЕЗИДЕНТ: Ҳурматли журналистлар мен аввало сизларни Ўзбекистон дерида табриклаб, республикамизга қизиқиб қаратганимиз ва унга эътибор бераётганимиз учун ташаккур айтмоқчиман. Чунки ёш мустақил давлатдаги воқеаларни ҳолисона ёритиш Ўзбекистон олдига турган муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини беради.

Мен сизларнинг меҳнатингиз нақадар муҳимлигини ва нечоғли оғирлигини яхши тушунаман. Бироқ шу билан бирга бу иш ўзаро манфаатдорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин. Мазкур учрашув сизларга бизнинг муаммоларимизни яхшироқ аниқлаштиришга, Ўзбекистонни атрофдаги бешми олиннингизга ёрдам беришга, деб умид қиламан.

Чунки бу учрашув охирида рўй бераётган воқеаларни ҳолисона ва ҳақоний ёритишнингизга қўмақлашаман. Бизнинг муаммоларимиз кўп. Аммо иккинчи таърифта бу ортирганимиз, бизнинг тарбиямиз сизни ва бутун ушбу жамоатчилигини қизиқтирсин ажаб эмас.

Мен сизларни қизиқтирувчи ҳамма саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

Марко ПОЛИТИ, Ҳамдустлик мамлакатларидаги хорижий мухбирлар уюшмасининг раҳбари: Президент жаноблари Кўҳна Ўзбекистонда бизга кўрсатилган иззат-иқром учун жамият журналистлар аҳли номидан миннатдорчилик ихор этишга руҳсат бергайсиз. Республикангиз ўзининг барқарорлиги, иқтисодий сиёсий вазиятнинг осойишталиги билангина эмас, кейинги вақтларда бу ерда рўй берган ўзгаришлар билан ҳам бизни қизиқтиради. Виз Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигидаги бизга давлат бошлиқлари билан учрашувини режалаштириб қўйганимиз. Илтимосимизга биринчи бўлиб сиз иккинчи жавоб берганингиз бизни гоёт қувонтирди. Виз Москвада яшаймиз. Лекин сиз дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари бўлган бизларни тўла асос

билан ўша мамлакатларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари деб ҳам ҳисоблайверингиз мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ: Сизларнинг қароргоҳингиз Москвада экани тасодифий ҳол эмас. Бу шаҳар — собиқ Иттифоқнинг пойтахти. Шу билан бирга бу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон СССР таркибиде бўлган вақтларда аҳоли энг яшайдиган, қадимий, улғу тарихга, маданиятга, маърифатга эга бўлган бу йirik минтақа ҳақидаги жамият ахборот юзаси бўлар эди. Сизлар ҳоҳлаганингиз ҳам, хоҳламангиз ҳам, бизга тааллуқли ҳамма хабарини асосан Москва матбуоти орқали олар едингиз. Шу кунгача ҳам ўша эски усул давом этиб келмоқда. Бу эса муайян бир ёкламаларни юзага келтириши табиий. Ўзбекистонга тез-тез келинган, оддалар билан учрашганлар, муаммоларимизни, муваффақиятларимизни, ортирган таърибамизни ўрганишлар. Виз Марказий Осиёнинг энг катта мамлакатларида биринчи бўлиб ёритувчи моҳир қаламкашларини ҳаммиз қувонч билан кутиб оламиз. Шу бондан мен сизларнинг Москвадаги ҳаммаси, Тошкентда ҳам бўлишингизни тарафдориман. Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлиши билан бизнинг Шарқнинг дунёсиз ҳам эканини эслаш чинармангилар. Бизнинг пойтахтимиз жўртрофий сиёсий мавқеа билан, тинчликпарварлик аънавлари билан бутун дунёга ном таратди. Бинобарин, мен сизларнинг бу ерда ўз қароргоҳларингизни очиниш ниятингизни қўллаб-қувватлайман.

МУХБИР: Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги доирасида ҳамкорлик ва бирлашув истикболлари қандай, ҳамдустлигининг келажаги борми? Эни сизларга ўрта Осиё бозорини барпо этиш мавзусида қизиқинми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу масалалар бири иккинчисига ҳал келмаслигини ва эҳд келмаслигини керак. МДХнинг келажаги бор.

Хозирги мустақил давлатлар ўртасидаги кўп йиллик иқтисодий алоқаларни узиб бўлмайди. Аммо бу алоқаларни ҳар қандай томон бирон-бир тарзда тазйиқ ўтказмайди маърифатли асосга қуриши керак. Муносабатлар фақат ўзаро манфаатли асосга таялиши лозим.

Январ ойида Тошкентда расм бўла бошлаган «Марказий Осиё давлатлари» тушунчасига неганди шунини айтиш керакики, бу — табиий, ҳақоний жараён.

Бу минтақада яшайтган кўпмиллиятли халқларнинг бирлаштирилган, ақиллаштирилган замин — тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимизнинг бирлиги, томирларимизнинг туташди кетганлиги, бинобарин иқтисодий, табиий бойликларимиз инқироздан чиқиш йўллари биргаликда қидришини талоқро эъти. Бу ҳол табиийдир. Мен Тошкентнинг алоҳида мақомли шаҳар экани ҳақида бежиз гапирганим йўқ. Хуллас, у минтақанинг ахборот маркази қилиб танлагани жуда мантқийдир. Энг янги хабарлар бутун дунёга шу ердан тарқалган бўлади. Бу ҳам сизларни қизиқтиради, деб ўйлайман.

МУХБИР: Президент жаноблари, сиз молиявий сиёсатингизни Россиянинг Марказий банки билан келишиб юритмоқчисиз. Аввалгидек рубдан миллий валюта сифатида фойдаланаверайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Бу гап жуда муҳим. Таъбир жоиз бўлса, нозик масалалардан бири. Бу масала Ҳамдустлик давлатлари бошлиқларининг ҳамма учрашувларида муҳима қилинди. Тегишли хужжатлар ҳам имзоланди. Бироқ, афсуски, бу хужжатларга шу пайтгача ҳам риюа қилинмапти. Россия ўтказиб берган сиёсат бу йўлда асосий тўсиқдир. Минск шариҳидан сўнгги учрашувда Россия раҳбарлари МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун давлатларро били тушушга рози бўлган эдилар. Назаримда, бу Россия сиёсатидаги иккинчи хижатдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Э. Қ. ҲАЙИТБОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Эркин Қадҳорович Ҳайитбоев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 12 март.

НАВРЎЗГА— ЁШЛАР СОВҒАСИ

Жиззах вилоятидаги Зафаробод тумани маркази аҳолисини Наврўз кунини кўп воқеалар кутди. Байроқ ташиқлотчилари — Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети билан маҳаллий ҳокимият вакилларининг фикрича, хайри ишлари шу кунининг энг муҳим воқеаси бўлиши керак. Ёшлар Иттифоқи байрам қилишни ҳалқига келтирмайдиганларда ҳам яхши кайфият туғдириш учун тадбирлар туркумини амалга оширишни режалаштирган.

21 март кунини асосий эътибор етим болаларга, ногиронларга, кўп болали оилаларнинг аъзоларига, камбағал нафақахўрларга қаратилди. Артистлар, шoirлар, ёзувчилар болалар уйи тарбияланувчиларининг меҳмони бўладилар. Болаларни ва қизалоқларни совғалар, ўйинчоқлар, китоблар, ширинликлар кутди. Маҳаллаларда ҳам тантаналар ташкил этилади. Зафарободнинг энг яхши ошпазлари аънавий таом — сумалак ва шарқ қандолатлари тайёрлайдилар. Оқсоқоллар эса байрамнинг фахрий меҳмони бўладилар. Ёлғиз қарияларга, камбағал оилаларнинг аъзоларига Наврўз шарафига беш минг сўмдан ўн минг сўмгача пул улашляди. Ногиронларга атаб хорикдан бир қанча махсус аравачалар сотиб олинган.

Халқ усталари кўчаларга чодир ўрнатиб, ўзлари ясаган буюмларни томошабинлар билан харидорлар хушимга ҳавола этадилар. Масҳарабозлар, дорбозлар, полвонлар байрам томошаларига тайёргарлик қилишмоқда. Бу йил байрам ташкилотчилари Ёшлар ўртасида халқ аҳолининг кўпчилигини тарбия қилишга айлантиришга Зафаробод ирфеасини безатиб, ушунини, тоза ва ям-шил манзилгоҳга айлантиришга ҳаракат қилдилар. Маҳаллий Ёшлар Наврўз арасида: катта хашар ўтказишни режалаштириб қўйишди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

НАВРЎЗИ ОЛАН КЕЛАДУР

**КИЧКИНТОЙЛАРГА
ТУХҒА**

Ланджон сув ишоошлари кўрилиш трестининг Комсомолоб туманида жойлашган механизмашлан кўма колоннаси қурувчилари Наврўз байрами арафасида кичкинтойларга муносиб совға тайёрлади. Миразаҳмедов номидидаги давлат хўжалигида тўқсон ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди. Боғчага «Наврўз» деб ном қўйилди.

**ИССИҚ НОНГА
МАРҲАМАТ**


Дангардаги «Кичик турк» қишлоғи аҳолисини Наврўз арафасида яна бир қўлайлик яратилди. «Сирдарё»

давлат хўжалигининг 4-бўлимида туман ном комбинатининг янги деҳи ишлаб бошляди. Бу ерда ҳар кунини миңдан ортиқ сөн-нон ва буғча савдога чиқаришмоқда.

**БАВРАМДА
НАМОНИШ ЭТИЛАДИ**

Бўз тумани Саида Зуинунова номидида муаллимлар тайёрлаш билим юрти қўғирчоқ театр-студияси «Зумрад ва Қиммат» эртак спектаклини саҳналаштирди. Янги асар Наврўз кунлари Тошкент, Фарғона, Ўш каби узоқ-яқин вилоятлардан келадиган меҳмонлар ҳузуринида намойиш этиляди.

ЎзА мухбири.



(Давоми 2-3-бетларда).

